Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (13.103)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимизда "Ўзбекенгилсаноат" ОАЖ томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда жамият томонидан ўтган 2015 йил давомида мамлакатимиз тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж буюмлари саноатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТАДИ

Таъкидландики, ўтган йили тизимда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 триллион сўмни ташкил этиб, ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан 188 турдаги енгил саноат товарлари ишлаб чиқарилди. Ўзлаштирилган 205 миллиард сўмлик маблағ эвазига 75 турдаги янги маҳсулотлар тайёрланишига эришилди.

Енгил саноат корхоналари ташқи бозордаги фаол иштирокини мустаҳкамлаб бориб, ўтган йили 254 та корхонада қарийб бир миллиард долларлик маҳсулот четга экспорт қилинди.

Анжуманда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган текстиль ва трикотаж маҳсулотлари 55 дан зиёд давлатга экспорт қилинаётгани маълум қилинди. Ўтган йили Колумбия, Бразилия, Сальвадор, Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия ва бошқа давлатларда янги савдо уйлари очилди.

"Ўзбекенгилсаноат" ОАЖ ўтган йили асосий эътиборини хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қўшма корхоналар очиш, мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтиришга қаратди. Инвестиция дастури доирасида 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 2,7 фоизга кўп, яъни 187,3 миллион долларлик сармоя жалб этилди. Шу билан бирга, 33 та корхона фаолияти йўлга қўйилиб, бунинг натижасида 12,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда спорт кийимлари ишлаб чиқариш енгил саноат тизими фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири саналади. Кейинги йилларда миллий ва замонавий дизайн уйғунлигида болалар спорт кийимлари ишлаб чиқаришга талаб ортди. Биргина 2015 йилда 190,8 миллиард сўмдан зиёд шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Мазкур йилда ҳам соҳа ишлаб чиқарувчилари томонидан юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш давом этади. 2016 йил охирига қадар 1,1 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилиш ҳамда 32 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, 24 та янги корхонани ишга тушириш, 8 тасини модернизация қилиш эвазига 12 минг 700 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

З. ШАРИФЖОНОВ

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ — ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА

Давлат буюртмаларини қабул қилиш ва давлат харидларини амалга оширишда кичик бизнес субъектларининг иштироки кенгаймоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 7 февралдаги "Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида"ги Қарори бу борада дастуруламал бўлаётир. Қарорда бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, давлат буюртмаларини таъминлашда кичик бизнес субъектлари иштирокини кенгайтириш, ҳалол рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда давлат харидларини амалга оширишда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдолар илк бор 2011 йилда бошланган. Уларда 166 миллиард сўмлик битимлар тузилган ва бунда кичик бизнес субъектларининг улуши 89 фоизни ташкил этган. 2015 йилда 497 миллиард сўмлик битимлар тузилиб, уларнинг 99 фоизи кичик бизнес вакиллари улушига тўғри келган. Савдо жараёнида нархларнинг пасайиши ҳисобидан 139,8 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинган.

Хўш, кичик бизнес вакиллари бу савдоларда қай тарзда ва қандай иштирок этади?

Бунинг учун улар электрон тизим орқали рўйхатга киритилиб, аккредитациядан ўтади. Ушбу мақсадда белгиланган тарзда ариза, имзо ва муҳр тасдиқланган карточка, гувоҳнома нусхаси ҳамда раҳбарларнинг паспорт нусхалари тақдим этилади. Сўнгра бевосита электрон савдоларда иштирок этиш учун олдиндан биржага комиссион йиғим ва аванс тўлаган иштирокчи исталган эълон бўйича ўз таклифларини бериши мумкин.

Давлат харидлари бўйича алоҳида турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ҳукумат комиссияси томонидан белгиланиши йўлга қўйилган. Айни вақтда уларнинг тури қирқдан зиёд бўлиб, электрон савдоларда озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель ва компьютер жиҳозларини етказиб бериш етакчи ўрин эгалламоқда.

Мазкур электрон савдоларни ташкил этиш учун тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида биржанинг махсус ахборот портали яратилган. Портални яратиш ва жорий этишда давлат харидларини амалга оширишнинг илғор жаҳон тажрибаси, жумладан, синалган ва ўзининг ижобий самарасини кўрсатган замонавий электрон биржа савдолари тизимидан кенг фойдаланилган. Бу давлат харидлари жараёнининг очиқ-ошкоралигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун биржада ташкил этилаётган электрон савдолар тизими давлат харидларининг ҳам буюртмачилари, ҳам товарни етказиб берувчилари учун бирдек қулайлик яратмоқда.

– Электрон савдолар тескари аукцион, яъни, нархни арзонлаштириш механизми асосида амалга оширилади ва бошланғич нархнинг пасайиши билан якунланади, – дейди Республика товар-хомашё биржаси Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш марказининг мутахассиси Муроджон Зокиров. – Яъни, бюджет ташкилоти ўзига керакли маҳсулот ҳақида биржанинг махсус ахборот порталига эълон берганда унинг бошланғич нархини белгилайди. Ушбу эълонга 10 кун мобайнида барча корхоналар тенг ҳуқуқли равишда ўз таклифини беради. Савдо якунлангач, энг яхши таклиф автоматик тарзда тизим томонидан аниқланади ва унинг эгаси савдолар ғолиби, деб белгиланади. Бунда савдо жараёнларига инсон омилининг таъсир этиши тўла чегараланганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, 2016 йил 26 февраль куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг шаҳарда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ҳамда профилактика қилиш борасидаги 2015 йилги фаолияти юзасидан Тошкент шаҳар прокурорининг ахбороти тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисида;

— Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими милиция таянч пунктларининг профилактика инспекторларини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа масалалар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар ўз конституциявий ваколатлари доирасида Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари К.Акмалов ҳисобот билан сўзга чиқди.

Аввал хабар қилинганидек, мазкур ҳисобот дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилган эди. Муҳокамалар давомида депутатлар парламент назоратини амалга ошириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, назорат-таҳлил тадбирларига фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини фаол тарзда жалб этиш юзасидан парламент ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси мазкур ҳисобот бўйича хулосани, шунингдек, Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботи тўғрисидаги Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасини тайёрлади ва уларни палата кўриб чиқишига тақдим этди.

Ҳисоботни эшитиш давомида қайд этилдики, Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларига бағишланган мажлисида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинди.

Тақдим этилган ахборотда таъкидландики, Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ Давлат бюджетининг самарали ижро этилишига, молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилишига, иқтисодиёт барча соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мўлжалланган давлат дастурлари ва минтақавий ривожланиш дастурларининг ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси ўтказилди. "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар даромадларини шакллантиришнинг тўлиқлиги ва улардан мақсадли фойдаланилиши текширилди.

Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар мисолида республика ва маҳаллий даражаларда Давлат бюджетининг ижроси, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ҳамда самарали сарфланиши текширилди. Давлат бюджети даромад қисмининг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича шаклланиши тўғрилиги, бюджетнинг моддама-модда ва тўла-тўкис ижро этилиши таҳлили ўтказилди, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичлари ҳақиқатга тўғри эканлигига баҳо берилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш ва дотация даражасини пасайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳудудларга чиқиб ўрганилди.

Парламент қуйи палатаси ялпи мажлисида Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботи эшитилганидан кейин унинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилояти ҳудудий бўлими томонидан "Фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ўзгаришлари: Бухоро вилояти мисолида" мавзусида конференция ўтказилди.

● Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берадиган тавсияномалар топширилди. Шу муносабат билан Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти билан биргаликда ташкил этилган "Соғлом аёл – миллат гўрури" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

● Андижонда "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиздир" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ички ишлар бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, ҳуқуқшунослар, журналистлар, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг жанубий штатларига ҳуруж қилган кучли торнадо натижасида камида уч киши ҳалок бўлди. Жумладан, ушбу табиий офат Луизиана штатидаги Конвент шаҳрида жойлашган автофургонларни сақлаш жойига ҳам катта зарар етказиб, унинг оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди, ўттизга яқин одам турли даражадаги тан жароҳати олди.

● Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтаётган "Mobile World Congress — 2016" кўргазмасида Жанубий Кореянинг "Самсунг" компанияси ҳамда Германиянинг SAP фирмаси мутахассислари ҳамкорлигида яратилган смартфонлар учун махсус илова дастури асосида ҳаракатланадиган дастлабки автоулов намойиш этилди. Ушбу мобиль дастур ёрдамида масофадан туриб автомобилни ўт олдириш мумкин.

● Фиджида кузатилган "Уинстон" бўронининг қурбонлари сони қирқ икки кишига етди. Ушбу бўронга энг юқори — бешинчи хавфлилик даражаси берилди. Мамлакат ҳукумати Фиджида ўттиз кунга табиий офат режими жорий этилаётганлиги ҳақида эълон қилди.

САМАРАДОРЛИК ВА ФАОЛЛИК ОШМОҚДА

Пойтахтимизда "Тошкент шаҳрида фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзуида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.





Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг 2015 йил якунлари ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот тақдим этиш, ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва тавсияларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.

Конференцияда ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Дониёр Аюповнинг "Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ННТларнинг сифат ва сон ўзгаришлари: натижа ва истиқболлар" мавзуида маърузаси тингланди. Маърузада қайд этилганидек, Институтнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг 2015 йилдаги фаолияти "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш" Концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг амалий ижросига қаратилди.

Институтнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг 2015 йил давомида олиб борган мониторинг натижалари ташкилотнинг фуқаролик жамияти институтларининг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамияти ортганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда шаҳар ҳудудида 435 та нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар томонидан аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишдаги иштироки янада кучайди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашда ҳамда фуқаролик жамияти шаклланишида уларнинг ролини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлинма томонидан Тошкент шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократик ислоҳот ва ўзгаришларнинг бориши, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши, ОАВнинг демократлашуви ҳамда либераллашуви жараёнларини чуқур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

2015 йил давомида ҳудудий бўлинма томонидан фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги ўрни ва ролини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ривожланишининг долзарб масалалари муҳокамасига қаратилган 200 дан ортиқ тадбирлар ўтказилган.

— Истиқлолнинг илк кунлариданоқ бевосита Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини изчиллик билан рўёбга чиқариш, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг етакчи мутахассиси Лазокат Қодирова. — Мамлакатимизда ННТлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш борасидаги қилинилаётган барча ишлар давлат ҳокимияти органлари ҳамда ННТлар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва имконият эшикларини янада кенгроқ очиб беришдан иборатдир. Ўйлайманки, шу кунларда республиканинг барча минтақаларида ўтказилган бугунги мавзудаги давра суҳбатлари ҳамда уларда билдириладиган мулоҳазалар, таклифлар ННТларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ролини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, демократик янгиланиш, фуқаролик жамияти ривожланишида уларнинг ролини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот Агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси рўйхати бўйича 2015 йилда пойтахтда 100 дан ортиқ ОАВ, жумладан, 6 телеканал, 9 радио ҳамда 85 босма нашрлар ва 1 та ахборот бюллетени фаолият юритган.

Пойтахт ОАВнинг аҳолини ташвишга солаётган жойлардаги долзарб муаммоларни ёритишда ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда роли ошиб бормоқда. Хусусан, босма нашрлардаги танқидий-таҳлилий мақолалар сони 2015 йилда 340 тани ташкил этди.

Институтнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг мониторинг тадқиқотлари фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлиги ҳолатини қайд этди, бу эса демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Конференция якунида фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларидаги ролини янада оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Ширин КУРБАНОВА

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот даврида 90 та ташкилотда 30 та йўналиш бўйича назорат тадбирлари амалга оширилди. Ушбу жараёнда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг, давлат дастурларининг самарали ижро этилиши, инвестиция дастурларининг рўёбга чиқарилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашнинг амалга оширилиши батафсил ўрганилди.

Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида амалдаги қонунлар ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича киритилган таклифлар диққатга сазовордир.

Фракция аъзоларининг фикрига кўра, парламент назоратини кучайтириш, ушбу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш масалаларида парламент ва Ҳисоб палатаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси вакиллари бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ички имкониятларидан оқилона фойдаланиш асосида маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ҳамда минтақалар иқтисодиётини мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар иштирокида жойлардаги тегишли вакиллик органларида маҳаллий бюджетларнинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари муҳокамасини ижобий амалиёт сифатида қайд этдилар.

Депутатлар таъкидлаганларидек, мавжуд муаммоларни, бюджет интизомига риоя қилиш ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш муҳимдир. Шу сабабли тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боришни йўлга қўйиш орқали парламент назоратини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар қайд этиб ўтдиларки, Ҳисоб палатаси ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатлари таъминланганлигининг, ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлари бўйича харажатларни қоплаш асослилигининг таҳлилини ўтказди. Ҳисоб палатаси томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги масалаларига, шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий нафақалар тўлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг ижросидаги, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинлашдаги қатор муаммолар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, Ҳисоб палатасининг ўтказилган назорат тадбирлари ижроси мониторинги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, фракция аъзолари Ҳисоб палатасига назорат тадбирларини амалга ошириш чоғида Давлат бюджетининг ижроси соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор қаратишни таклиф этдилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, Ҳисоб палатаси агросаноат комплекси хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ҳолати устидан назоратни кучайтириши лозим, бу эса ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Таъкидландики, аҳолининг харид қобилияти янада оширилишини чуқур таҳлил қилиш ва баҳолашни ўтказиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари Ҳисоб палатасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги молиявий қоидабузарликларни, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш бўйича фаолиятини таҳлил қилдилар. Ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш, назорат тадбирларини кучайтириш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида депутатлар Ҳисоб палатаси томонидан Қонунчилик палатаси қўмиталари билан биргаликда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг самарадорлигини алоҳида таъкидладилар. Мазкур қўшма тадбирлар ўз самарадорлигини кўрсатди ва мавжуд амалиёт давом эттирилади. Ҳисоб палатаси фаолиятида ишга янгича ёндашув ва услублардан фойдаланилди, хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ва ташкилотларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор таклифлар киритилди.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш якунларига кўра Қонунчилик палатаси қарор қабул қилди, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ТАДБИРКОРГА РАҒБАТ — ТУРМУШГА ФАЙЗ БАҒИШЛАМОҚДА

"Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" каби мақол, ишнинг кўзини билгувчи, ишбилармон сифатида фаолият юритиб, халқ фаровонлигига ҳисса қўшаётган инсонларга нисбатан айтилган бўлса, ажаб эмас.

— Касбу кори туфайли инсон ҳаётда ўзига хос ўрин топиб, эзгу ишлари билан атрофдагиларга ибрат бўлади, — дейди "Temiryo`l ta`mir" масъулияти чекланган жамият раҳбари Зулфия Романова. — Мен ҳам юртимизда тадбиркорларга яратилган имкониятлардан руҳланиб, ўз бизнесимни бошладим. Йилдан йилга лойиҳаларим сони ортди. Уларни янада мукаммаллаштириш, ўз малакамни ошириш мақсадида дунё кездим. Ўзга юртлар ва халқларнинг маданияти, анъаналари, тадбиркорлик кўникмалари, иш тажрибалари билан танишдим. Ўрганганларим оиламга файз бағишлаб, фарзандларим тарбиясида, иш фаолиятимда қўл келди.

Албатта, ҳар бир инсон умрини фарзандлари, маҳалла кўйи, қолаверса, юртига наф келтирадиган юмушларга бағишлашни истайди. Кимдир буни уддасидан чиқа олади, кимдир эса йўқ. Тиниб-тинчимас инсонлар сирасига кирувчи Зулфия опа Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлагач, Ўзбекистон темир йўллари компаниясида бир муддат ҳисобчи бўлиб ишлади. Сўнгра ўзини тадбиркорликда синаб кўришга жазм этди. Ана шу истак ва орзу билан 2003 йилда вагон ички жиҳозларини ишлаб чиқарадиган корхонага асос солди.

Ҳеч бир юмушда ўз-ўзидан ютуққа эришиб бўлмайди. Буни яхши англаган Зулфия опа маблағ топиш, бино танлаш, асбоб-ускуна ўрнатиш, хомашё ва бошқа ёрдамчи воситаларни келтириш каби юмушларни турмуш ўртоғи Жаббор ака билан бамаслаҳат амалга оширди. Ҳамкасби Ҳамидулла Муҳиддинов кўмакка келди.

Дастлаб, темирйўл вагонлари учун ички жиҳозлари ишлаб чиқарилган корхонада бугунги кунга келиб турли хил сантехника анжомлари, полимер, мармардан ясалган ванналар, ўтган йилдан бошлаб эса сув ҳавзалари учун қайиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— 2015 йилда савдо айланмамиз 800 миллион сўмдан ошди, — дейди Зулфия Романова. — "Қалдирғоч", "Оққуш", "Кабутар", "Орхидея", "Лилия" каби номда ишлаб чиқарилаётган сал кам 20 турдаги ванналаримиз юртимизнинг барча ҳудудларида ўз харидорларига эга. Маҳсулотларимизни кўпроқ қурилиш ташкилотларига етказиб берамиз. Бир қисми эса истеъмол бозорига чиқарилмоқда. Тайёрланган сифатли маҳсулотларимиз харидорларга манзур келаётганидан қувончимиз чексиз.

Корхона ўтган йили 130 миллион сўмлик банк кредити ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга эришди. Тошкент вагон қуриш ва тиклаш заводи билан ҳамкорликни йўлга қўйган тадбиркор вагонларнинг ички жиҳозларини керакли анжомлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ангрен — Поп йўналишида ҳаракатланадиган поездлар айни пайтда "Temiryo`l ta`mir" жамиятида ишлаб чиқарилаётган анжомлар билан жиҳозланаётир. Тошкент трактор заводи билан ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиб, катта миқдорда буюртмалар бажарилмоқда.

Тиниб-тинчимас тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида янги ҳамкорлар топиш ҳаракатида.

— Сафарларимдан бирида Россияда бўлиб, бир қатор ҳудудлардаги корхоналарнинг маҳсулотлари, ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдим, — дейди тадбиркор. — Ана шунда биз учун янгилик бўлган турли шаклдаги қайиқлар эътиборимни тортди. Бу эса юртимиз сув ҳавзаларида сервис хизмати кўрсатишни ривожланиши учун керак бўлган замонавий қайиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимга туртки бўлди. Айни вақтда бизда тайёрланаётган турли ҳайвон ва паррандалар шаклидаги қайиқлар ва каруселлар ўз харидорини топмоқда. Маҳсулотларимиз истироҳат боғларида болаларнинг қувончига сабаб бўлаётганидан завқланиб, янгидан-янги ғоялар борасида изланмоқдамиз.

Меҳнати маҳсули, эришган ютуқлари туфайли эл-юрт, ватан тараққиётига оз бўлсада ҳисса қўшаётган тадбиркор кўнглида ҳеч бир бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган ғурур, ифтихор билан яшамоқда. Бундай инсонлар ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайдилар. Зулфия опа ҳам келгусида пойтахтимизда барпо этилаётган уй-жойларнинг янада сифатли ва мустаҳкам сантехника анжомлари билан таъминлаш, истироҳат боғлари, уларнинг атрофидаги кўлларни чиройли, бир-бирини такрорламас қайиқлар билан тўлдириш борасида улкан режалар тузмоқда. Бунда янги иш ўринлари яратиб, "Устоз-шогирд" анъанасини давом эттиришни ҳам мўлжалламоқда.

Зиёда ВОҲИДОВА

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ — ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан сўнг ғолиб етказиб берувчи билан буюртмачи ўртасида шартнома шакллантирилади. Бу жараён ҳам автоматик тарзда бажарилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низоми"га мувофиқ контракт юридик кучга эга бўлиши учун ушбу ҳужжат савдоларда ғолиб чиққан етказиб берувчи ёки унинг агенти ва биржа томонидан савдолар ғолиби аниқланган вақтдан бошлаб беш иш куни мобайнида имзоланиши керак.

Электрон давлат харидлари тизимида кичик бизнес субъектлари учун яратилган қулайликлар қаторига тадбиркорлар учун махсус ахборот порталида яратилган интерактив хизматлар ҳам киради. Сўнгги йилларда, улар учун қўшимча қулайликларни яратиб бериш мақсадида порталда давлат ва корпоратив харидлар иштирокчиларининг шахсий кабинети, нархларнинг электрон маълумотномаси, онлайн-маслаҳат, call-марказ, форум каби интерактив хизматлар жорий этилди.

Бундан ташқари, давлат харидлари тизимида кичик бизнес субъектларига кўмаклашиш мақсадида Республика товар-хомашё биржасининг Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш маркази фаолият юритиб келмоқда. Марказ томонидан мунтазам равишда ташкил этилаётган семинар, тренинг ва "Очиқ эшиклар куни" каби тадбирларда тадбиркорларга давлат ва корпоратив харидларда иштирок этиш масалалари юзасидан маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда.

Давлат харидлари бўйича яратилган очиқ электрон тизим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг унда янада кенгроқ иштирок этишини таъминламоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қулай иш шароитларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқ ва муаммолар" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманлар

МАҲАЛЛА — НУРЛИ МАСКАН

Анжуманда сўзга чиққан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Д.Мирзажонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият юритиши, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. "Маҳалла" фонди томонидан маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мебель жиҳозлари ва ўқув-адабиётлари билан таъминлаш, хизмат бинолари-ни қуриш, мавжудларини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Анжуманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини услубий адабиётлар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилгани фаолиятнинг самарали ташкил этилишида муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Хусусан, ўтган йили "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўплами", Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларига шарҳлар тайёрланди. Фуқаролар йиғинларидаги яраштириш, маънавият ва маърифат масалалари, хотин-қизлар билан ишлаш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар учун услубий тавсиялар, "Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар" ҳамда "Оилада маънавий-ахлоқий тарбия" номли оммабоп рисолалар тайёрланиб, маҳаллаларга етказилмоқда.

— Пойтахтимиздаги маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қулай иш шароитларини яратиш борасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳрор Ғуломов. — 2015 йилда Фонд томонидан маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожлантириш, уларнинг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш борасида қатор ишлар бажарилди. Хусусан, 11 та фуқаролар йиғинлари компьютер жамланмаси, 70 та йиғинлар 259,0 млн. сўмлик янги мебель жиҳозлари билан таъминланди. 43 та фуқаролар йиғинларининг бинолари жорий ва капитал таъмирланиб, қайта реконструкция қилинди. 4 таси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2016 йил — Соғлом она ва бола йилида 100 та маҳалла фуқаролар йиғинларига мебель жиҳозлари, янги ташкил этилган 30 та маҳалла фуқаролар йиғинларига 30 та замонавий компьютер жамланмалари Фонд томонидан олиб бериш режалаштирилган.

Анжуманда Фонд томонидан маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида фуқаролар йиғинлари ўртасида ташкил этилаётган кўрик-танловлар, спорт тадбирлари, ўқув-семинарлар, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги, "Ота-оналар университети", "Маслаҳат маркази" фаолиятининг изчил ташкил этилаётгани ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Йиғилишда 2016 йилнинг май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва адолат тамойилларига тўла мослигини таъминлаш бўйича тавсиялар берилди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, шунингдек, Фонд томонидан келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлардан ҳам бохабар бўлишди.

Зарина РУСТАМОВА

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ОИЛА МАЛИКАСИ, ЗАМОН БУНЁДКОРИ

Мамлакатимиз хотин-қизларига дунёдаги энг бахтли, энг муҳтарама, деган таърифлар ярашади. Чунки аёл учун тинч, фаровон юртда яшаш, файзли хонадоннинг бекаси бўлиш, соғлом фарзандни камолга етказиш, жамиятда қадр топишдан ортиқроқ саодат йўқ.

Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини оширишга бўлган юксак эътибор натижасидир.

– Мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган аҳолининг эллик фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этади, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. – Улар орасида ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати туфайли кўплаб жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келаётган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Бугун ҳаётимизда тобора катта ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оила бизнеси, фермерлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин.

Ўзбекистонда гендер тенглиги таъминланмоқда. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Рўзғори бут, хонадони обод, фарзандларидан кўнгли тўқлиги боис аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ошмоқда. Сўнгги йилларда аҳоли учун қулай шарт-шароитга эга бўлган замонавий уй-жойлар қуриш билан бирга, ҳар бир оиланинг маиший техникалар билан таъминланиш даражасини оширишга бўлган эътибор ҳам аёлларнинг зиммасидаги ташвишларни осонлаштирмоқда. Бунинг учун аҳолига банклар томонидан узоқ муддатли, имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлар беришдаги қулайликлар кенгайтирилмоқда.

– Халқимиз бугун яхши замонни орзуловчи эмас, балки унинг яратувчисига айланган, – дейди Чиноз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Фарида Иброҳимова. – Бунга давлатимиз томонидан барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилгани кенг йўл очмоқда. Аёлларимиз улардан унумли фойдаланаётир. Кундан-кун обод бўлаётган юртимиз тараққиётида зукко, ишбилармон хотин-қизларнинг ҳам улуши ортаётгани туфайли уларни ҳам оила маликаси, ҳам замона бунёдкори, десак хато бўлмайди.

"Қўли гулдир ўзбек аёлин" деган таъриф бугун етти иқлимга ёйилди. Ҳунарманд аёлларимиз яратаётган бежирим либослар, тадбиркор хотин-қизлар бошқараётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозоридан муносиб ўрин топмоқда.

Юнусобод туманининг Кулолқўрғон маҳалласида фаолият юритаётган Моҳира Султонова яратаётган каштаю сўзаналар, адрасдан тикилган кийим-кечакларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлаштирилгани нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам қизиқтирмоқда. Шу боис у ўз маҳсулотлари билан Малайзия, Индонезия, Россия ва бошқа давлатлардаги кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган. Ўз ҳунарини юзга яқин шогирдига мукаммал ўргатган ҳунарманд "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида иккинчи ўринни қўлга киритган.

Ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина "Микрокредитбанк" томонидан 90,3 миллиард сўм кредит ажратилган. Эътиборлиси, бу маблағнинг салмоқли қисми касб-ҳунар коллежларини битириб, катта ҳаётга қадам қўяётган, тадбиркорликни бошлаган қизларга берилган.

2015 йилда коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилган ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Хотин-қизлар қўмиталари томонидан қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларида махсус марказлар фаолияти йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

"Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ҳам хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йилда мазкур танлов ғолибларига 4,7 миллиард сўм кредит ажратилган. Муҳими, шу лойиҳалар туфайли 347 иш ўрни яратилган.

Соҳадаги ишлар самарадорлиги ошишида "Тадбиркор аёл портали" яратилгани ҳамда "Тадбиркор аёл" журнали чоп этилаётгани ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиз хотин-қизларининг қизиқиш ва интилишларига ҳамоҳанг маълумот ва материаллар жамланган бу манбалар орқали уларнинг ташаббусларига қанот берилаётир. Бу хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги янада ошиши, мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ёшлар ижод саройида "Камолот" стипендияси кўрик-танлови совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ФАОЛ ЁШЛАР УЧУН "КАМОЛОТ" СТИПЕНДИЯСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг пухта билим олиши, иқтидорини намоён этиши учун кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган "Камолот" стипендияси фаол, билимли ва иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу йилги танловда мамлакатимиздаги барча олий таълим масканларининг уч юздан зиёд бакалавриат, магистратура босқичида таҳсил олаётган истеъдодли талабалари иштирок этди. Етмиш беш иқтидорли талаба стипендия совриндорига айланди.

Ана шундай истеъдод соҳибларидан бири Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети магистранти Азиза Аҳмадова. У ҳаммуаллиф ва бошловчи бўлган "Тўмарис" ҳужжатли фильми ўтган йили "Олтин қалам" Х Халқаро Миллий мукофоти учун танловда "Телевидение" йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаган. Фаол ва ташаббускор истеъдод эгасининг изланишлари муносиб баҳоланиб бу йил ушбу стипендия соҳибасига айланди.

– Юртимизда замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиб, спорт билан шуғулланишимиз, билим ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун барча имкониятлар яратилган, – дейди Азиза. – Бугунги натижаларимиз бизга билдирилган юксак ишончнинг самараларидандир.

Тадбир давомида "Камолот" сенинг ҳаракатинг" номли видеоролик намойиш этилди. Ватан, ёшликни мадҳ этувчи қуй-қўшиқлар янгради.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари аҳамиятини ишчи-ходимларга етказиш мақсадида "Маънавият соатлари" ўтказиб келинмоқда.

Туман ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги "Маънавият соати" "Мамлакатимизда халқимиз турмуш даражаси ва сифатини ошириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар", "Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик Ўзбекистон давлатининг учта устунидир" мавзуларида ташкил этилди.

— Тармоқ тизимидаги касаба уюшма ташкилотларида ўтказилаётган "Маънавият соатлари"да Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – ўзбек моделининг мамлакатимиз учун энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганлиги таъкидлаб ўтилмоқда, — дейди Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси Камолиддин Худайбердиев. — Ўтган йиллар мобайнида юртимизда кенг кўламли ўзгаришлар халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилгани ҳақида давра суҳбатлари, мулоқотлар ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбир давомида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиш, доимо огоҳ бўлиш яна бир бора таъкидлаб ўтилди.

Нилуфар РАСУЛОВА



Маълумки, инсон қанчалик кўп тил билса, унинг билим доираси шунчалик ошади, турли миллат вакиллари билан бемалол мулоқотда бўла олади.

БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИ БОЙИТИШМОҚДА

Соғлом она ва бола йилига бағишлаб Тошкент Тиббиёт академияси томонидан "Балли, қизлар!" танлови ҳам мана шундай хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилди.

Ушбу қизиқарли, ҳаяжонли лаҳзаларга бой кўрик-танловда Олмазор, Чилонзор, Тошкент ва Гулистон тиббиёт коллежлари, П.Боровский номидаги коллеж ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги тиббиёт йўналишидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этиб, ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий техник воситалар ёрдамида танлов қатнашчилари ўқув муассасаларининг тақдимотини ўтказишди, ўзларининг ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб, нима учун тиббиёт соҳасини танлаганликлари хусусида тўхталиб ўтишди. Улар шеъриятни қандай тушунишлари, рақсга тушиш ва мусиқий қобилиятларини намоён этишди. Айниқса танлов шартлари орасида "Ўзбекистон — менинг Ватаним!", "Менинг тасаввуримдаги бахт", "Соғлом она — соғлом бола", "Давр огоҳликни тақозо этади" каби мавзуларда оғзаки ҳикояларни ўз ичига олган босқич қизиқарли кечди.

— Танловнинг барча иштирокчилари ҳамма шартларга пухта тайёргарлик кўришди, албатта, бу борада ўқитувчилар ўз маслаҳатлари билан бизга катта ёрдам беришди, — дейди Гулистон тиббиёт коллежи ўқувчиси, бисердан тайёрлаган турли буюмлари билан ҳайъат аъзоларини ҳайратда қолдирган Дилфуза Жўрабоева. — Бизнинг мамлакатимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Шу боис мен ва барча тенгдошларим мана шундай танловларда қатнашиб, касб малакамизни оширишга ҳаракат қиламиз.

Танлов натижаларига кўра ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Даврон НУРМАТОВ

УЛЬТРАТОВУШ ХИЗМАТИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Шаҳримиздаги ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази кеча-кундуз фаолият кўрсатадиган тиббиёт муассасаларидан биридир. Ушбу марказда терапия, асаб касалликлари, вертебралогия, жароҳатлар асорати, протезлаш ва хўжалик ҳисобидаги бўлимлар иши йўлга қўйилган.

Турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолган бемор кутилмаганда тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолса, зудлик билан шу ерга келтирилади. Беморнинг умумий аҳволини кўздан кечирган навбатчи шифокор уни функционал ташхислаш бўлимига юбориб, ультратовуш текширувидан ўтказишни буюради.

Замонавий ультратовуш аппаратини ёш мутахассис Шоҳруҳ Комилов бошқаради. Функционал диагностика бўлимида беморни безовта қилаётган касалликка ташхис қўйиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

— Бўлимга бемор шифокор кўрсатмасига биноан келади. Унинг ички аъзоларидан бирини ультратовуш аппаратидан ўтказиб, олинган хулосани шифокорга тақдим этамиз. Бир кунда 15-20 нафар кишини қабул қилиб, тезкор ва аниқ хулосани шифокорга узатишда ўз тажрибаларимизга таянамиз, — дейди Шоҳруҳ Комилов.

Марказга пойтахтимизнинг барча туманларидан бориб даволанаётган беморлар ўз дардига шифо топиб, оилалари бағрига қайтишмоқда.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

Сўранг, жавоб берамиз

Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи, уни амалга ошириш хусусиятлари ҳақида маълумот берсангиз.

Э.Холиқов,
Чилонзор тумани

Маълумки, уй-жойга эга бўлиш инсоннинг муҳим табиий ҳуқуқларидан бири бўлган яшаш ҳуқуқини таъминловчи асосий объект ҳисобланади. Уй-жойга нисбатан мулк деганда, шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига қарашли уй-жойга хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, ўзининг мулк ҳуқуқи, ким томонидан бўлмасин, бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунилади. Албатта, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириш мулкдорнинг ўзига тегишли ҳуқуқлар билан боғлиқ қонун йўл қўядиган барча ҳаракатларни қила олиш имконияти сифатида кўрилади.

Бунда уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириш — шахсларнинг давлат томонидан кафолатланган юридик эркинликлардан амалда фойдаланишлари ҳисобланади.

Уй-жойга нисбатан ҳуқуқлар бошқа фуқаролик ҳуқуқлари каби Фуқаролик Кодексида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Хусусан, Фуқаролик Кодексининг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқларни тасарруф этиш хоҳиши сифатида таърифланади. Мазкур модданинг 1-қисмига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Бунда ҳуқуқ соҳиби ўзига тегишли ҳуқуқни ва уни амалга ошириш, ҳимоя қилиш ҳуқуқини тасарруф этишда фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишидан келиб чиқиб, субъектив ҳуқуқнинг юридик тақдирини белгилайди. Уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишда ҳам мулкдор ўз хоҳишидан келиб чиқиб, ўзига тегишли ҳуқуқлар "комплекси"ни тасарруф этади.

Ҳамиджон ЗОҲИДОВ,
Яккасарой тумани 6-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Мен уйимни ижарага бермоқчиман. Ижарачига қандай талаблар қўйишга ҳақлиман?

Ш.Мирзаев,
Миробод тумани

Сиз ижарага олувчига доимий яшаш учун яроқли бўлган уй-жойни ижарага беришингиз лозим. Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф — уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) — бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.

Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланиши мумкин.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуришга ва тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ижарага олувчи уй-жой ҳақини ўз вақтида тўлаб туриши шарт. Агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи коммунал хизматлар ҳақини мустақил тўлаши шарт.

Фуқаролик Кодексининг 605-моддасига биноан ижарага берувчи ижарага берилган турар жой жойлашган уйдан тегишли даражада фойдаланишни амалга ошириши, ижарага олувчига ҳақ эвазига зарур коммунал хизмат кўрсатилишини таъминлаши, кўп хонали уйнинг умумий фойдаланиладиган мол-мулки ва турар жой биносида жойлашган коммунал хизмат кўрсатиш қурилмалари таъмирланишини ўз зиммасига олиши лозим.

Дилшод МАҚСУМОВ,
Яккасарой туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Қандай пайтда мажбурий суғурта мажбурияти белгиланади?

Г.Аҳмедова,
Сергели тумани

Қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб, бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ўша ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи бўлганда суғурта қилиш мажбурияти тузилади.

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади.

Қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулкка эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

Мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай суғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу Кодекснинг 924-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.

Сайёра ИНАГАМОВА,
Юнусобод тумани 1-сонли ДНИ катта нотариуси

* * *

Меҳнат шартномасида хотин-қизларга бир қанча имтиёзлар яратилган бўлиб, бу аёллар меҳнатини қонун билан кафолатлар экан. Ушбу имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот берсангиз.

Р.Эгамова,
М.Улуғбек тумани

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ирқи, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида: "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир" — дея белгиланган.

Қонунларимизда хотин-қизларга, айниқса, болали аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатни оналик ва болалик билан уйғунлаштириб олиб бориш учун имкон берадиган муайян енгиллик ва имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш ва рағбатлантириш кафолатлари мавжуд. Масалан, Меҳнат Кодексида уларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар қонун тартибида белгиланиб, меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнатининг қўлланиши тақиқланади. Ҳамда улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Тиббий хулосага мувофиқ, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Зулайхо ИБРАГИМОВА,
Нодира САГАТОВА,
Чилонзор туманидаги ДНИ нотариуслари

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан турли соҳа ходимлари ўртасида ўтказилаётган "Соғлом оила" республика оилавий спорт мусобақаларининг Олмазор туман босқичи 39-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қизғин курашлар остида ўтди.

Мусобақа Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, Агросаноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмат, Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари ҳамкорлигида ўтказилди. Спартакиадада бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар югуриш, тўпни нишонга отиш, чаққонлик ва мерганлик, моҳир ҳужумчи, тезлик ва эпчиллик, арқон тортиш каби шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилаётган оилавий спорт мусобақаларидан кўзланган мақсад меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, бу орқали соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашни ва албатта турли соҳа ходимларининг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини оширишдир, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман Кенгаши раиси Лола Исматова.

Қизиқарли беллашувларда 8-12 ёшгача бўлган ўғил бола таркибидаги оилалардан биринчи ўринни тумандаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муҳаммадисо Содиқовлар ҳамда 8-12 ёшгача бўлган қиз бола таркибидаги оилалардан "3-Автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси Саидикром Тўрахўжаевлар оилалари ғолиб чиқиб, мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

"Энг чаққон оила" – Жамшид Комиловлар, "Ғалабага бўлган интилиши юксак оила" – Илҳом Матниязов, "Фаол иштирок этган оила" – Равшан Шокировлар оилалари номинацияларда ғолиб бўлишди.

* * *

Мусобақанинг Сергели туман босқичи 10 та оилавий спорт жамоаларини ғалаба учун курашга чорлади.

Оилавий спорт мусобақасининг очилишида туман маданият ва спорт бўлимининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган дастур намойиш этилди.

Мусобақа ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари ташкилотлари касаба уюшмалари туман кенгашлари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

— Мусобақаларда иштирок этган корхона ва ташкилот, таълим муассасалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари шижоати мусобақа ҳакамларини бир оз шошириб қўйди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман Кенгаши раиси Феруза Раджапова. – Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки белла-





шувларда ҳар бир оила кўтаринки рухда иштирок этди.

— "Соғлом оила" шиори остидаги мусобақада оиламиз билан иштирок этдик, — дейди 1-ўринни эгаллаган МК "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ЎқувСТК" унитар корхонаси жисмоний тарбия йўриқчиси Дилором Эшонова. – Беллашувлар қизғин ва таассуротларга бой бўлди. Ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган оилалар кўплигини эътироф этган ҳолда шаҳар босқичида муносиб қатнашишга ҳаракат қиламиз.

Кўтаринки кайфиятда кечган мусобақа ғолиблари ҳамда "Энг чаққон оила", "Ғалабага бўлган интилиши юксак оила", "Фаол иштирок этган оила" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланишди.

(Ўз мухбиримиз)
Ислом Исмоилов
олган суратлар

Болалар спорти

МУРАББИЯЛАР ҲАР БИР МАКТАБДА

Президентимиз раҳнамолигида жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор натижасида спорт хотин-қизлар ўртасида кенг оммалашди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари бунёд этилаётгани, уларда спорт билан шуғулланаётган қизлар кўпаяётгани малакали мураббияларга бўлган талабни оширди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 2 июндаги "2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарорига асосан болалар спорти мураббийлари тайёрлаш учун қабул ўрни кўпайтирилди. Қарорга мувофиқ қишлоқ жойлардаги спорт иншоотларини аёл мураббиялар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида "Хотин-қизлар спортини ривожлантириш" йўналиши ташкил этилди.

Мазкур йўналишга ҳар йили қишлоқ туманларидан келган икки юздан зиёд қизлар қабул қилинмоқда. Улар институтни битириб, ўзлари истиқомат қилаётган қишлоқларда мураббия бўлиб ишламоқда, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

– Жорий ўқув йилида институтимизга 260 қиз махсус квота асосида ўқишга қабул қилинди, – дейди институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Жамшид Умаров. – Улар олий ўқув юртини битиргач, йўналишига қараб ўз вилоятидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари спорт коллежи, касб-ҳунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактабларида мураббиялик қилади.

Президентимизнинг 2010 йил 1 апрелдаги "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ уларнинг меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Қарорга асосан қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгиланган.

Спорт мураббиялари тайёрлаш ва уларни рағбатлантириш бўйича бундай тизим яратилгани ўз самарасини бермоқда. 2015 йилда спорт бўйича аёл мураббия ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 3,8 баробар ошгани бунинг бир мисолидир.

Аёл мураббия ва ўқитувчиларнинг кўпайгани қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида спортни оммалаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Миллий кураш бўйича жаҳон чемпионатларида совриндор бўлган, 2009 йили Таиландда ўтган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритган Муқаддас Кубеева спорт мураббияси бўлишни орзу қиларди. У 2013 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг яккакурашлар факультетини хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича тамомлаб, бугунги кунда пойтахтимиздаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қизларга мураббиялик қилмоқда.

– Мактабимиздаги жисмоний тарбия дарсида ўнлаб ўғил болалар орасида бир ўзим шуғулланардим, – дейди Муқаддас Кубеева. – Дугоналаримни спорт билан шуғулланишга таклиф қилсам, мураббий эркак киши бўлгани учун ота-онаси рухсат бермаслигини айтарди. Шунда ўз олдимга келажакда мураббия бўлишни мақсад қилгандим. Бугун қизларимиз ўғил болалардан кам бўлмай, ўзлари хоҳлаган спорт тури билан бемалол шуғулланмоқда.

М.Кубеева икки гуруҳда ташкил этилган машғулотларда ўттиздан зиёд болага миллий кураш бўйича машғулотлар ўтказмоқда. У шогирдларида спортга иштиёқ уйғотишга, ўз устида кўпроқ ишлашига эътибор қаратади. Тартиб-интизом ва озодаликка риоя этишни талаб қилади. Ҳар шанба куни шогирдлари билан тарбиявий соат ўтказади. Чунки маҳоратли спортчи тайёрлашда маънавий-руҳий тарбия муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий шарти сифатида хотин-қизлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Футбол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичи учрашувлари давом этди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Пахтакор" жамоаси ўз майдонида Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" клуби билан куч синашди.

Футбол мухлисларига яхши маълумки, "Ал-Ҳилол" жамоаси қитъамизда ўз мавқеига эга бўлган клублар сирасига киради. "Пахтакор" жамоаси эса жорий йилги мавсумни ўз сафига иқтидорли ёшларни жалб этган ҳолда бошламоқда. Шу боис ҳам кўпгина мутахассислару, мухлислар "Ал-Ҳилол" билан кечадиган баҳсда тошкентликларга осон бўлмаслигини тахмин қилишган эди. Аммо, пахтакорчилар меҳмонларга қарши муносиб тўп суришди. Муросасиз ва шиддатли курашларга бой тарзда кечган беллашув 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон Кубоги ва суперкубоги соҳиби Қаршининг "Насаф" жамоаси 1-тур беллашувини меҳмонда Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" клубига қарши ўтказди. Қизиқарли ва муросасиз кечган учрашув 2:1 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди.

Энди Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичи 2-тур беллашувлари 1-2 март кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тадбирлар

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Бугун мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, соғлом авлод – соғлом миллат, соғлом келажак деганидир.

Бироқ ҳозирги глобаллашув даврида дунё аҳолиси орасида ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби миллат генофондига, инсон саломатлигига, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи иллатлар, зарарли одатлар тобора илдиз отиб бораётгани ачинарлидир.

Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти, Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда "Ёшлар зарарли одатларга қарши" шиори остида ўтказилган тадбирда ҳам айни шу ҳақда сўз борди.

— Мазкур тадбирни ўтказишимиздан мақсад ёшлар орасида зарарли одатлар ва унинг тарқалишининг олдини олишдан иборатдир, — дейди Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти Ижтимоий тадқиқот бўлими бошлиғи Умида Файзиева. — Бу каби зарарли одатлар ҳар қандай инсонни ўз домига тортиб кетиши оқибатида қанча оилалар, қолаверса, ёшларнинг келажаги завол топиши, ҳатто ки туғулажак фарзандлари ҳам зарарли моддаларнинг таъсирида ногирон туғилиши оқибатлари ҳақида кенг тушунчага эга бўлишимиз керак.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар бу иллатдан огоҳ бўлиши, унинг оқибати аянчли ҳолатларга олиб келиши ҳақида ҳамда инсон энг аввало ўз соғлиғига беэътибор бўлмаслиги ва масъулият билан ёндошиши зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

Зафар НАЗАРОВ

Таълим

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш муассасалари ўртасида инновацион ҳамкорлик" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимиз иқтисодиёти инновацион ривожлантирилаётгани, олимлар яратган илмий-техникавий ишланмалар ва дастурлар тегишли соҳаларга татбиқ этилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда Олий таълим масканларида ихтисослик кафедралари қошида бир минг 230 дан ортиқ инновацион гуруҳлар фаолият олиб бормоқда. Уларда ушбу йўналишга мос корхоналар тўғрисида маълумотлар базаси ҳам яратилган.

Айни пайтда Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан қарийб 27 миллиард сўмга тенг 465 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар доирасида 116 та патент ва 44 та компьютер дастурий маҳсулотларига гувоҳномалар олинди.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида қишлоқ хўжалиги, кимё, нефть-газ, металлургия, машинасозлик, фармацевтика саноатлари учун ишланмалар яратилиб амалиётга йўналтирилади.

Тадбирда инновацион ишланмалар самарасида мамлакатимизда тан олинган 11 та ишланманинг энг илғор технологиядан олтитаси олий ўқув муассасалари томонидан яратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ

Тошкент автомобиль-йўллар институтида ўтказилган тадбир Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси ўринбосари, исломшунос олим Айдарбек Тулеповнинг "Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя" китобининг тақдимотига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вакиллари Х.Турматов, И.Маърупов, Шайхонтоҳур тумани бош имом хатиби О.Исмоилов, Тошкент тиббиёт академияси хотин-қизлар қўмитаси раиси Л.Абдуқодирова, мазкур институт ректори М.Орифжонов ва бошқалар ёшлар ўртасида диний экстремизм, миссионерлик ва унинг зарарли оқибатлари, ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилиши, интернет тармоғи орқали тарқалаётган ғаразли маълумотлар ва ёт ғояларнинг олдини олиш мақсадида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Бугунги кун ёшларини вайронакор ғоялар, одобахлоқни емирувчи иллатлар ва турли оқимлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ҳамда уларнинг онг ва тафаккурини эзгу ғояларга йўналтириш энг асосий вазифамиздир, — дейди Тошкент автомобиль-йўллар институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Гулчеҳра Турсунова. — Мазкур китобда халқимизни огоҳликка чақириш йўлида интернетдаги кўз илғамас, киши билмас ғоявий ҳамлалар аниқ мисоллар билан фош этилган, турли хил иллатларга қарши туриш учун аждодлар меросидан ўгитлар келтирилган, ислом дини кўрсатмалари ҳужжат-далиллар асосида батафсил баён қилинган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак бу китоб, ёшларимизнинг ақлини чархлашда бир дастак, маърифатга ошно қилишда нурли йўл, огоҳликка чорлашда эса маънавият шуъласи бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ – МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида ўтказилган ижодий кеча "Маънавият сарчашмаси" деб номланди.

Тадбирни ушбу мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Бобур Мўминов очиб берар экан, буюк мутафаккир алломаларимиз қолдирган бой маданий-маърифий меросларни, келажаги порлоқ истиқболли ёшларимизнинг ҳар томонлама илмли, зукко ва салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, шоирлар Нодир Жонузоқ ва Олқор Дамин ёшлар камолотида аждодларимиз меросининг ўрни, ўзбек адабиётининг серқирра жиҳатлари, мустақиллик берган неъматларнинг қадрига етиш ва давлатимиз томонидан ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳар бир ёшнинг вазифаси ва бурчи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир доирасида ўқувчилар ижросида шеъриятдан парчалар, ғазаллардан мисралар ўқиб берилди. Энг фаол ўқувчилар Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг "Сени бугун кўрмасам бўлмас" китоби билан тақдирланди

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

— 20-22 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 февраль** ва **27 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **26 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ